

«Автокомпонент» МЧЖ нинг
2022 й. “27” 09 даги
12/1 1 - 40-сонли буйруғига
9 -илова

**“Автокомпонент” Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхонада
Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати түғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Автокомпонент” Масъулияти чекланган жамиятида (кейинги ўринларда – Жамият) коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши түғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисботларни (кейинги ўринларда – Ҳисботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Жамиятнинг Комплаенс хизмати ходимлари зиммасида бўлади.

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ҳисботни тақдим қилиш учун маъсулият таркибий бўлинмалар ва/ёки соҳалар кесимида фаолият юритувчи коррупцияга қарши ички назорат учун масъул ходим (кейинги ўринларда – Масъул ходим) зиммасида бўлади.

2-боб. Ҳисбот турлари ва уни тузиш даврийлиги

3. Жамиятда қўйидаги ҳисбот турлари назарда тутилади:

а) Жамиятда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар түғрисидаги, ҳисбот ҳар чоракда Комплаенс хизмати томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш түғрисидаги ҳисбот ҳар чоракда Комплаенс хизмати томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

5. Ҳисбот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисбот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

6. Йилнинг IV чораги учун ҳисбот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисбот тайёрланади.

7. Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисбот Жамият раҳбарларига (Жамият ҳайъатига) топширилади.

Жамиятнинг Комплаенс хизмати ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойнинг 10 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Жамиятнинг умумий ҳисботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

8. Жамиятнинг йиллик ҳисботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Жамиятнинг Комплаенс хизмати томонидан тайёрланади.

З-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисботни шакллантириш тартиби

9. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисбот коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинг ва назорат қилиш мақсадида тузилади.

10. Ҳисбот ҳар чоракда Комплаенс хизмати томонидан ҳисбот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай тузилади ва Жамият раҳбарига (Жамият ҳайъатига) кўриб чиқиши учун топширилади.

11. Ҳисботни шакллантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳисбот давридан кейинги ойнинг 1 санасидан кечиктирмай, Жамиятнинг Комплаенс хизмати Масъул ходимларга ушбу ойнинг 2 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисбот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Жамият бўлинмаларининг ҳисботи Комплаенс хизмати томонидан тузилади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул бўлган раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади;

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисботларга киритилган ахборот тегишли хужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Комплаенс хизмати ушбу Низомга 2, 4-9-иловаларида кўрсатилган шаклда Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича Жамият тизими бўйича тузилган ҳисботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисбот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

12. Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисботлар ва Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисботни тузишда Комплаенс хизмати тешишли бўлинма ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

13. Комплаенс хизмати қисқа маълумотнома биритирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисботини ҳисбот давридан кейинги ойнинг 3 санасигача Жамият раҳбарига тақдим этади.

14. Ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисботни Агентликка тақдим этилади.

4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш тартиби

16. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисбот ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

17. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисбот Комплаенс хизмати томонидан Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисбот билан бир вақтда тузилади.

18. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисбот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

5-боб. Якуний қоидалар

19. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички локал ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга Жамиятнинг Комплаенс хизмати маъсул бўлади.

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши
кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
1-илова

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот

Жамият номи:	
Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):	ФИШ, лавозими, тузилмаси
Ҳисобот даври:	
Ҳисобот тайёрланган сана:	

T/p	Тадбирлар гурухининг номлари	Тадбирларнинг номлари	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар	Ижро тўғрисида белги	Ижро этилмаган бўлса, ижро этилиши кутилаётган муддат	Бажарилганикни тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари

T/p	Тадбир		Nатижалар
II. Сиёсатлар ва процедуралар			
1.	Ички хужжатларни мослаштириш		Жамиятда ҳисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга қарши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички хужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички хужжатларни ишлаб чиқиши.		Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган коррупцияга қарши курашиши соҳасига киритилган соҳаларни тартибга солувчи ички хужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
II. Шахсий намуна			
3.	Жамият раҳбари ва унинг ўринбосарларининг ички тадбирлардаги чиқишлари (путки).		3-6-бандларда Жамият тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг қонунчилик талабларига риоя килиш, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилишининг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очик эътироф этилган тадбирларни кўрсатиш лозим.
4.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Жамият раҳбари		

	ва унинг ўринбосарларининг номидан).	
5.	Жамият раҳбари ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.	
III. Хавф-хатарларни баҳолаш		
6.	Жамиятда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш	Ҳа ўтказилган(йўқ ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (кайси босқичдалиги кўрсатилади)
7.	Ҳисобот даври учун Жамиятда иш жараёнда янги аникланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юкори, ўрта, паст).	Янги коррупциявий хавф-хатарлар кайси жараёнларда аникланганлиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар қайта баҳоланди, янги даражা, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова қилинади.
8.	Ҳисобот даврида аникланган коррупциявий хавф-хатарларни тартиби солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	
9.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар юкори бўлган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик таваккал юкори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилади
10.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур.
IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар		
11.	Жамиятда аникланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	Жамиятда аникланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аникланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини илова қилиш зарур.
12.	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларацияни килиш.	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Жамиятдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Ҳар йили манфаатлар тўқнашуви декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Жамиятдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Жамиятга ишга қабул қилинган ходимлар сонини ва Жамиятдаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
14.	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
15.	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар	Мавжуд бўлганда ушбу бўлимда кўрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияга қарши тадбирларни кўрсатиш.
V. Тальим ва коммуникация		
16.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун; коррупциявий таваккалчилликка энг кўпроқ мойлилилек эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун.	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларни кўрсатиш.
17.	Жамиятга яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар

		сонига фоизлардаги нисбати тренинглар мавзуси кўрсатиш.
18.	Ходимларнинг коррупцияга қарши конунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	Тадбир иштирокчиларнинг мақсадли гурухини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва б. кўрсатилади) ва унинг якунларини кўрсатиш.
19.	Коррупцияга қарши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёрлари мавзусида ахборот- таркатма материаллари.	Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга амал килиш зарурияти тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин килиниши ва уларга тўғри амал килиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа таркатма материаллар.
20.	Ходимларнинг ахлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши конунчиликнинг талаблари хакида хабардор килишининг бошқа усуллари.	Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига қўйиладиган суратлар ва бошқалар.
21.	Фукаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш	Фукаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга қарши кураш куни, коррупцияга қарши мавзудаги ишлар танлови). Шартномаларига коррупцияга қарши кўғшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги котрагентларнинг умумий сонига фоизлардаги нисбати.
VI. Коррупциявий хатти-харакалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари		
22.	Хатти-харакатлар, шу жумладан, потенциал хатти-харакатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони	Хабарлар сонини қўйидаги маълумотларни ҳам киритган ҳолда кўрсатиш: келиб тушган санаси келиб тушган алоқа канали, хабар мавзуси, тегишли ҳисоботни илова қилиш.
23.	Хизмат текшируви ўтказилган; Коррупцияга қарши конунчилик бузилганлиги тўғрисида таесдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-хукукий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аникланган; Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аникланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида); Айборлар аникланган ҳолатлар сони.	Ҳар бир банд бўйича ҳолатлар сонини кўрсатиш.
24.	Қабул килинган таъсир чоралари.	Қандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида қандай камчиликлар аникланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар таклиф қилинди.
VII. Мониторинг ва назорат		
25.	Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашини талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги	Жамиятда коррупцияга қарши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини қўйидаги кесимда кўрсатиш Текширув обьектлари (бошқарма, бўлим); Текширув мавзуси (масадан, харидлар, кадрлар); Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралари ва б.); Текширув тадбирлари характеристи (режали, режадан ташқари).
26.	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аникланганми ва уларга нисбатан кўлланилган	Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажарища қандай қоидабузарликлар аникланган? Аникланган ҳолатлар сонини кўрсатиш.

	таъсир чоралари?	Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун қандай тавсиялар тайёрланган. Улар кандай расмийлаштирилгандын (масалан, буйруқ ёки бошқа ички хужжатлар)?
--	------------------	--

Хулосалар: Жамият бўлинмаларида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини қўрсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурият туғилганда аввалги даврлар қўрсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қоникарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қўрсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси ҳисобот даврида ҳисобдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни қўрсатиш зарур.

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши
кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
2-илова

**Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши
тўғрисида 202..йил ...чи чорак учун
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Жамиятнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани
тўғрисида умумий ахборот¹**

Жамият томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

Худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

II. Сиёsat ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва ҳисбот даврида марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-хуқуқий ва ички хужжатлар (сиёсалар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Жамият томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матрицасини янгилаган марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш керак;

¹Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисботнинг ҳар бир бўлими бўйича қўйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисбот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, коникарли натижаларга эришганлик/эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

² Бўлим факат ҳар йиллик ҳисбот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Жамият тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган худудий ва таркибий бўлинмалари сони вилоятлар, Жамиятнинг худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

Баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Жамият учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида³ (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади;

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Жамият бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);⁴

Худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Жамият тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий

³ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

⁴ Ахборот фақат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

сони ва тоифалар кесимида (*масалан, хариð процедураларидаги, иши бўйича бевосита бўйсунни натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

Коррупцияга қарши қоидаларни Жамият шартномаларига киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни Жамиятнинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Жамият тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

Контрагентларни текшириш

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади.

Ишга номзодларни текшириш

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Жамият тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

V. Таълим ва коммуникация

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида: ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Жамият тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўнгилмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, Жамият тизимида ўтказилган кенг қўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-харакатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

VII. Мониторинг ва назорат⁵

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ҳисобот даврида Жамият тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган Жамиятлар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характеристи тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисчача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хulosаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисоботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

коидабузарликларнинг умумий сони;

⁵ Жамиятда ҳисобот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйча умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Жамият ички хужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Жамиятда қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айбдорларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; Жамият тизими жараён ва ички хужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

IX. Холосалар

Жамият тизимида ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга қўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги ҳисобот даврида Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши
кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
3-илова

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган
тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги
ҲИСОБОТ**

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши
кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
4-илова

Ишга қабул қилинган ходимлар хақида маълумот

Т/р	Ишга қабул қилинган ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ишга қабул қилинган вақт, буйруқ рақами	Ишга қабул қилишга оид танлов ўтказилган кун, баённома рақами ва санаси, видео материал ҳаволаси

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши
кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
5-илова

Ишга қабул қилинган раҳбар кадрлар ҳақида маълумот

T/p	Ишга қабул қилинган ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ишга қабул қилинган вақт (ротация қилинган вақт) , буйруқ рақами

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши
кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
5-илова

**Коррупцияга қарши шартлар билан меҳнат шартномасида
танишилганлигини имзоси билан тасдиқланган ходимлар
РЎЙХАТИ**

T/p	Ишга қабул қилинган ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ишга қабул қилинган вақт, буйруқ рақами

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши
кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
6-илова

**Ташкилотда тузилган хўжалик шартномалари
РЎЙХАТИ**

T/p	Хўжалик шартномаси мазмуни	контрагент	Лот/шартнома рақами

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати
тўғрисидаги хисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
7-илова

Ташкилотнинг коррупцалоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни рўйхатга олиш РЕЕСТРИ

T/ r	Мурож аат санаси	Мурожаат тоифаси (коррупция вий хатти- харакат, манфаатла р тўқнашуви)	Мурожаат ни рўйхатга олинган сана ва рақам	Хабар юборил ган алоқа канали	Мурожаат чи ҳақида маълумот	Хабарнин г қисқача мазмуни	Хабар таалук ли бўлган тузилм а	Кўриб чиқиш натижаси	Мурожа атчига жавоб юборилг ан сана ва хат раками	Ижро чи	Хабарни кўриб чикган тузилма раҳбари	Изоҳ

«Автокомпонент» МЧЖ да коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати
тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
8-илова

**Ташкилотда мониторинг ва назорат тадбирлари натижасида аниқланган коррупциявий ҳолатлар
ҳақида
МАЪЛУМОТ**

T/ р	Тадбир номи	Тадбирни ўтказишга асос	Тадбирни ўтказишг а масъул ижрочи	Тадбир ўткази лган сана	Аниқланган коррупциявий ҳатти- харакат қисқача мазмуни	Ҳатти- харакат аниқланган тузилма	Хабар таалуқли бўлган тузилма	Қўлланилган чоралар (химат текшируви, интизомий чора ва ҳ.к)

«Автокомпонент» МЧЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги
хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
10-илова

Ташкилотнинг хизмат текширувлари реестри

T/ р	Тадб ир номи	Хизмат текшируви ўтказилиш и тўғрисида буйруқ рақами ва санаси	Ўтказилга н хизмат текширув натижала ри	Хизмат текширув и ўтказили ши даври	Ишчи гурух таркиби	Қоидабузарлик тўғрисида ахборот келиб тушган манба, тадбир номи	Текширув натижалари нинг қисқача мазмуни	Аниқланг ан айбдор шахслар рўйхати	Текширув натижаси бўйича кўрилган чора ва унинг ижро санаси	Чора бажарилга нлиги тўғрисида маълумот

«Автокомпонент» МЧЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги
хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига
10-илова

Ташкилотнинг давлат харидлари соҳасида амалга оширлган чора-тадбирлари

T/ r	Давлат харидлари амалга оширилган сони	Давлат харидлари бўйича тузилган шартномал ар сони	Ўтказилган хизмат текширув натижалари тўғрисидаги маълумотно ма рақами ва санаси	Хизмат текшируви ўтказилиш и даври	Ишчи гурух таркиби	Қоидабузарлик тўғрисида ахборот келиб тушган манба, тадбир номи	Текширув натижалари нинг кисқача мазмуни	Аниқланг ан айбор шахслар рўйхати	Текширув натижаси бўйича кўрилган чора ва унинг ижро санаси	Чора бажарилга нлиги тўғрисида маълумот
-----------------	---	---	---	---	-------------------------------	--	---	--	--	--